

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ
ИНСТИТУТИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ
МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ САМАРАЛИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЙ-
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАР ВА АМАЛИЁТ
МУАММОЛАРИ**

*Республика миқёсидаги илмий-амалий
конференция*

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2022 йил 22 апрель

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ
САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЙ-
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАР ВА
АМАЛИЁТ МУАММОЛАРИ**

*Республика миқёсидаги илмий-амалий
конференция материаллари
2022 йил 22 апрель*

**ТОШКЕНТ
«QAMAR MEDIA»
2022**

УЎК 336.02(575.1)
КБК 65.261.4(5Ў36)

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

Уразалиев К.Т., Усманова М.С., Джамалов Х.Н., Бердиева У.А., Шодиев О.А.,
Артиков Н.А., Ибрагимов Б.Б.

«Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги самарали фаолиятини таъминлаш: назарий-концептуал асослар ва амалиёт муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «QAMAR MEDIA», 2022. – 783 б.

Мазкур илмий-амалий конференция материаллари Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган солиқ сиёсатини такомиллаштириш жихатларини камраб олган ҳамда улар юзасидан муаллифларнинг фикр-мулоҳазаларини ўзида мужассам этган. Илмий тезисларнинг мазмуни ва унда келтирилган маълумотларнинг тўғрилигига муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Материалы научно-практической конференции включают в себя приоритетные направления Стратегии развития совершенствования налоговой политики в повышении конкурентоспособности национальной экономики, а также научные взгляды и собственные мнения авторов. Следует отметить, что за содержание текста тезиса ответственность несут авторы.

The materials of the scientific-practical conference include the topical problems of improving tax policy to improve the competitiveness of national economy, as well as scientific views and opinions of the author's. It should be noted that, the authors of the abstracts are responsible for the content of the text.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА МОЛ-МУЛК СОЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакат ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда маҳаллий бюджетларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиётида турли манбалардан фойдаланилсада, уларнинг бирламчи даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқларнинг аҳамиятини ошириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирда маҳаллий бюджетларнинг, айниқса кишлоқ ҳудудларида маҳаллий солиқ ва йигимларнинг маҳаллий бюджетларни шакллантиришдаги аҳамияти кутилган натижаларни бермаяпти. Бу ўринда маҳаллий солиқ ва йигимларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улуши сезиларли даражада эмас.

2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш бўйича уларнинг масъулиятини кучайтириш” асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган⁴³.

Ушбу мақсадга эришишда, аввало, маҳаллий ўз – ўзини бошқариш органларига кўпроқ мустақиллик бериш, маҳаллий бюджетнинг даромадлар манбалари ва харажатларнинг аниқ мақсадли ҳамда асосли йўналишини белгилаш, бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилот (муассаса)ларнинг харажат сметаларини оқилона тузилишини таъминлаш, ўз навбатида, бюджетга солиқ тушумларини тушишини назорат қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Республика ва маҳаллий бюджетлари ўртасидаги муносабатларни, боғлиқликни янада такомиллаштириш, шубҳасиз ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш, улар ўртасидаги иқтисодий номутаносибликка мумкин қадар барҳам беришдан иборат. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топиш, солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий қилиш ва мавжуд солиқ тушумлари асосини такомиллаштириш соҳасида бир қанча ишлар амалга оширилган бўлсада бу ишларнинг ҳақиқий ҳолати ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шу сабабли маҳаллий бюджетлар фаолиятини ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш зарурдир.

Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари маҳаллий солиқлар ва йигимлардан ташкил топади. Ушбу солиқларнинг ичида мол-мулк солигининг аҳамияти ўзига хосдир.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

Мол-мулк солигини ислоҳ қилиш солиқ сиёсатида муҳим устувор аҳамият касб этади, чунки даромадларнинг фойдаланилмаган салоҳиятини, шу жумладан, солиқ юкини қайта тақсимлаб олиш ва ҳудудларни босқичма-босқич ривожлантириш орқали амалга оширилади. Ҳудудлар инфратузилмасининг яхшиланиши мол-мулкларни солиққа тортишдан олинадиган тушумларни янада оширади ва маҳаллий бюджет даромадларининг ўсишига, жумладан, туман, шаҳар инфратузилмасини янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади.



1-расм. Мол-мулкларни солиққа тортишнинг объектив зарурлиги⁴⁴

Ҳар бир субъектнинг мулкни шу давлат ҳудудида бўлганлиги туфайли шу давлатга дахлдорлик, шу туфайли давлат хусусий мулкни дахлсизлигини таъминлаши ва уни қонунийлигини назорат қилиши лозим.

Давлат хусусий мулкни солиққа тортиш йўли билан хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқаролар мулкларни қонунийлиги ва уни ҳаракатини назорат қилиб боради.

Маълумки, мазкур солиқнинг асосий вазифаси, маҳаллий бюджетни молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳисобланади. Рағбатлантириш роли эса мавжуд мол-мулкдан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш ва мулкний табақаланишни қисқартириш ҳисобланади.

Мамлакатда хусусий мулкка асосланган кўп укладли бозор иқтисодиётининг қарор топиши ва ривожланиши жараёнида, турли мулк шаклидаги институтларнинг фаол ривожланиши ва тадбиркорлик фаолиятининг кенгайтирилиши, корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш, уларни акциядорлик жамиятларига айлантириш, реал мулк шаклидаги турли мулкдорлар сонининг ўсишига олиб келмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, мулкчилик муносабатларида амалга ошаётган турли ўзгаришлар, мол-мулкни солиққа тортиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

⁴⁴Мейлиев О.Р. Налоговые факторы экономического развития регионов. Экономика и бизнес: теория и практика. 2017. №5.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркиби ва тузилиши⁴⁵

Кўрсаткичлар		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
		млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз
Давлат бюджети даромадлари		36 493,2	100,0	41 043,4	100,0	49 681,0	100,0	79 099,0	100,0	112 165,4	100,0	132 938,1	100,0	164 680,3	100
1	Бевосита солиқлар	8 798,4	24,1	9 852,8	24,0	11 539,4	23,2	15 656,2	19,8	31 676,8	28,2	45 206,9	34,0	58 930,4	35,8
2	Билвосита солиқлар	19 193,8	52,6	21 130,7	51,5	26 133,2	52,6	41 280,4	52,2	46 427,2	41,4	46 428,4	34,9	56 290,5	34,2
3	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	4 816,1	13,2	5 306,2	12,9	6 867,4	13,8	12 663,4	16,0	19 680,7	17,6	21 257,0	16,0	23 036,4	14,0
4	Юқори даромаддан олинадиған солиқ	652,5	1,8	1 401,9	3,4	1 415,2	2,9	1 528,0	1,9	107,9	0,1	0	0,0	0	0,0
5	Бошқа даромадлар	3 032,4	8,3	3 351,8	8,2	3 725,8	7,5	7 971,0	10,1	14 272,8	12,7	20 045,8	15,1	26 423,1	16,0

⁴⁵ <https://openbudget.uz>-Ўзбекистон Республикасининг "Очик бюджет" портали маълумотлари асосида тайёрланган.

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки давлат бюджети даромадлари таҳлил этилаётган йилларда мунтазам ошиб борган. 2019 йилда Давлат бюджети даромадлари шаклланишида сезиларли ўзгаришлар бўлган, яъни бевосита солиқлар улуши 19,8 фоиздан 28,2 фоизгача, ресурс солиқлари улуши 16,0 фоиздан 17,6 фоизгача ошган бўлса, билвосита солиқлар улуши эса 10,8 фоиз бандига камайиб, 41,4 фоизни ташкил этган. Давлат бюджети даромадларида бошқа даромадлар улушининг ҳам сўнгги йилларда ўсишини кузатишимиз мумкин. Солиқ сиёсати концепциясининг асосий йўналишлари доирасида давлат бюджети даромадлар базаси – солиқ тўловчилар сони таркиби ўзгаришига олиб келди. 2020 йил якуни бўйича давлат бюджети даромадларида бевосита ва билвосита солиқлар улушининг деярли тенглашганлигини, 2021 йилда эса, бевосита солиқлар улушининг ошганлигини кўришимиз мумкин.

Солиқларга оид жаҳон фани ва амалиёти шундан далолат берадики, мол-мулкни солиққа тортишнинг вужудга келиши ва ривожланиши бутун тарихи мобайнида унинг вақт чегаралари билан эмас, балки ушбу солиқларнинг аҳамияти билан белгиланувчи даврларга бўлинади.



2-расм. Мол-мулк солигидан тушумларнинг солиқ тўловчилари таркиби бўйича улуши¹, фоизда

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, мол-мулк солигидан тушумларнинг бюджет даромадларидаги улушининг қарийб 70 фоизи юридик шахслар ҳиссасига тўғри келмоқда. Лекин таҳлил этилаётган йилларда уларнинг улуши камайиш тенденциясига эга бўлган. Улушнинг камайишига пандемия даврида тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг берилиши ҳамда сўнгги йилда солиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

ставкасининг пасайтирилиши сабаб бўлган. 2018 йилда мол-мулк солиги тўловчи юридик шахслар сони 9261 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб эса уларнинг сони 64966 тани ташкил этган ҳамда 55705 тага ортган. Бунга сабаб Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ айланмадан олинadиган солиқ тўловчиларга ҳам мол-мулк солигининг жорий этилганлигидир. 2020 йилда эса мол-мулк солиги тўловчи юридик шахслар сони 6 110 тага камайиб, 58 856 тани ташкил қилган.

Шунингдек, мол-мулк солиги тўловчи жисмоний шахслар сони 2019 йилда 6978,8 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2020 йил ҳолатига 162,3 мингтага кўпайиб, 7141,2 минг нафарни ташкил этган. 2020 йилда карантин чекловлари ва иқтисодий фаолликнинг пасайиши сабабли жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиги 73,1 млрд сўмга камайдган.

3-жадвал

2020 йилда мол-мулк солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги аҳамияти¹

Т/р	Худудлар	Маҳаллий бюджетлар даромадлари, млрд.сўм	Мол-мулк солиғи, млрд.сўмда	Улуши, фоизда
1.	Қорақалпоғистон Р-си	2743,9	72,4	2,6
2.	Андижон вилояти	2105,9	88,8	4,2
3.	Бухоро вилояти	1782,9	97,7	5,5
4.	Жиззах вилояти	1058,0	50,6	4,8
5.	Қашқадарё вилояти	2468,8	342,3	13,9
6.	Навоий вилояти	1540,9	166,5	10,8
7.	Наманган вилояти	1763,0	76,7	4,4
8.	Самарқанд вилояти	2385,6	157,6	6,6
9.	Сурхондарё вилояти	1605,7	108,5	6,8
10.	Сирдарё вилояти	716,5	45,4	6,3
11.	Тошкент вилояти	2395,5	229,6	9,6
12.	Фарғона вилояти	2677,3	116,3	4,3
13.	Хоразм вилояти	1302,7	76,7	5,9
14.	Тошкент шаҳри	3156,3	345,2	10,9
Жами		27702,9	1974,3	7,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мол-мулк солигининг мамлакатимиз худудлари маҳаллий бюджетлари даромадларидаги улуши 2020 йилда 7,1 фоизни ташкил этган. Худудлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак юқори улуш Қашқадарё ва Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрига тегишли бўлиб, мол-мулк солигининг улуши 10 фоиздан юқорини ташкил этмоқда. Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикасига тегишли бўлиб унинг улуши 2,6 фоизни ташкил этмоқда.

¹ Фукарлар учун бюджет: 2020 йил ижроси маълумотлари асосида тайёрланган.

Республика солиқ тизимида 2019 йилга қадар мол-мулк солиқлари тўлиқлигича умумий тартибда солиқ тўловчилар учун жорий этилган. Ушбу тартибдаги юридик шахслар ўз фаолиятларида ресурслардан фойдалансалар шунга мос равишда амалда белгиланган мол-мулк ва ресурс солиқларининг барчасини, яъни мол-мулк солигини, ер солигини, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни, ер қабридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловларни тўлайдилар.

Солиқ амалиётида умумий тартиб билан бирга алоҳида солиққа тортиш тартиблари ҳам кенг қўлланилиб келиндики, уларнинг фақат бирига (микрофирмалар ва кичик корхоналар учун жорий этилган ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизими) ихтиёрий равишда жорий этилган бўлса, қолганларининг барчаси мажбурий амал қилди. Натижада, шу вақтга қадар хўжалик субъектлари томонидан истеъмол қилинаётган кўплаб ресурслар солиққа тортилмади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, республика солиқ амалиётида бир неча йиллардан эътиборан қўлланилиб келинган алоҳида солиққа тортиш тартибларида хўжалик субъектларининг мол-мулк ва табиий ресурслардан самарали ҳамда оқилона фойдаланишини рағбатлантиришга қаратилган механизм етарлича ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармонига асосан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан “барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш” ни белгиланиши хўжалик субъектларининг мол-мулкларини солиққа тортиш орқали улардан самарали ва оқилона фойдаланиш механизмини кучайтиришга ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадлари ошишига хизмат қилмоқда.

Кўчмас мулкдан ундириладиган солиқларнинг юқори самарадорлиги асосан солиқ базасининг барқарорлигига боғлиқ. Бу солиқлар бошқаларга қараганда самаралироқ ҳисобланади, чунки улар ресурслар тақсимотида камроқ таъсир кўрсатади, хусусан, меҳнат ресурслари, инвестициялар ва инновациялар ҳақидаги қарорларга таъсир кўрсатмайди.

Кўчмас мулк объектларининг бозор қийматига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк солиғи ва ер солигини ҳисоблаш механизмини жорий этиш икки босқичда амалга оширилади:

- биринчи босқич (2021-2023 йиллар) – кўчмас мулк бўлган турар-жой фонди объектлари (квартира, яқка тартибдаги уй-жойлар, дала-ховли), шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкалари учун;

- иккинчи босқич (2022-2024 йиллар) – яшаш учун мўлжалланмаган алоҳида кўчмас мулк объектлари, шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкалари.

Сўнгги йилларда кўчмас мулк объектларини бозор қийматига қараб, яъни бозорда шаклланган кўчмас мулк объектларига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, кўчмас мулк бозори бўлмаган чекка ҳудудларда объектнинг қурилиш қиймати асосида баҳолашни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сонли Фармонида кўчмас мулк объектларига солиқ солишни янада такомиллаштириш мақсадида ер солиги ва мол-мулк солигини ўрнига кўчмас мулк солигини киритиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-741-сон Қонуни билан кўчмас мулкка нисбатан солиқ базаси 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам миқдори белгиланди.

Бугунги кунда кўчмас мулкнинг ўртача йиллик **қолдиқ қиймати**, 1 кв. м учун белгиланган минимал миқдордан паст бўлмаган қийматда солиқ ҳисоб-китоби учун база бўлиб хизмат қилади. 1 кв.метр учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам миқдори Тошкент шаҳрида **2,5** млн сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида **1,5** млн сўм, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса **1** млн сўмни ташкил этади.

Бу тартибнинг амалга киритилиши аввало кадастр ҳисобининг тўлиқлигига ва ҳаққоний солиқ базасига эришиш имконини беради ҳамда бозор нархлари асосида аниқланадиган кадастр қийматига ўтишни назарда тутди.

Бу эса ўз навбатида, солиқни кўчмас мулк объектлари қийматидан келиб чиқиб адолатли тақсимлашга эришиш орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш, солиқ тўловчилар учун солиқ юкини тенглаштириш ҳамда ҳалол рақобат учун тенг шароитлар яратиш имконини беради.

Мол-мулк солигининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги аҳамиятини ошириш мақсадида қуйидаги хулоса ва тавсиялар келтирилди:

- бугунги кунда аксарият ҳудудлар маҳаллий бюджетлари даромадлари ҳисобига ўз харажатларини тўлиқ молиялаштириш имкониятига эга эмас. Бу эса ўз навбатида маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштириш, маҳаллий бюджетларда ички мувозанатни таъминлаш, маҳаллий солиқлар ва йигимлар бўйича солиқ тушумларини ошириш, хусусан мол-мулк солигини такомиллашувига эришиш лозимлигини аниқлатади;

- мол-мулк солиқларининг барча турлари учун умумийлик шуки, солиқ миқдори мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган даромадга эмас, балки мол-мулк қиймати ёки хусусиятларига боғлиқ;
- мол-мулк солигининг асосий мақсади фискал бўлиши билан бирга иқтисодий аҳамиятга ҳам эга. Яъни, мол-мулкни солиққа тортиш орқали мулкий табақаланишни қисқартириш, ишлаб чиқаришга доир бўлмаган истеъмолни камайтириш, истеъмолни давлат учун фойдали бўлган йўналишга қаратиш ҳисобланади;
- кўчмас мулкнинг қийматини бозор механизмлари асосида баҳолаш тизимига ўтиш, кўчмас мулкни солиққа тортишнинг прогрессив механизмини жорий этиш, мулк солигидан амалдаги самарасиз имтиёزلарни бекор қилиб, кўчмас мулкнинг “солиққа тортилмайдиган қиймат” миқдорини белгилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ;
- фуқаролар ўртасида кўчмас мулк, кўчмас мулкнинг моҳияти, шунингдек уй жойларни қуриш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, янги қурилган уй жойларни давлат рўйхатидан ўтказмаганда қўлланилиши мумкин бўлган жарималар ҳақида кенг тушунтиришлар олиб бориш, оммавий ахборот воситаларида рекламаларни жонлантириш зарур;
- хорижий давлатлар солиқ тизимида маҳаллий солиқлар бюджет даромадларида катта салмокни эгаллаб, бу давлат маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ ҳуқуқлари кенглиги билан изоҳланади. Бизнингча, мамлакатимизда маҳаллий ҳокимият органларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитидан келиб чиқиб маҳаллий солиқларни белгилаш, солиқ ставкаларини мустақил ўзгартириш каби ҳуқуқларни тадбиқ этиш зарур ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Мейлиев О.Р. Налоговые факторы экономического развития регионов //Экономика и бизнес: теория и практика. 2017. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nalogovye-factory-ekonomicheskogo-razvitiya-regionov>.
3. Бобошко Н. М. Методология оценки и контроля в системе имущественного налогообложения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук Йошкар-Ола-2011.стр-39.
4. Михина Е. В. Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.Москва – 2005. стр-28.
5. Исламкулов А. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертацияси. 2012. – 150 б.

6. Умаров Б. Корхоналар мол-мулкани солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари (Ўзбекистон Республикаси материаллари асосида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертацияси. 2002. – 142 б.

7. Пардаев У. Ўзбекистонда мулк солиғи тушумлари ўзгариш тенденциялари ва уни барқарорлаштириш йўналишлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, 2016 йил.

8. Paul E.Carrillo, Edgar Castro, Carlos Scartascini. Public good provision and property tax compliance: Evidence from a natural experiment. <https://www.sciencedirect.com/science>

9. Guozhong Zhu, David Dale-Johnson. Transition to the property tax in China: A dynamic general equilibrium analysis. <https://www.sciencedirect.com/science>

10. <https://openbudget.uz>-Ўзбекистон Республикасининг "Очиқ бюджет" портали маълумотлари асосида тайёрланган.

11. С.В. Богачев. Налог на недвижимость: зарубежный опыт. Экономика и управление народным хозяйством вопросы имущественной политики РФ, № 4 (187), 2017 г. Стр-68-73

12. <https://soliq.uz>-Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси маълумотлари

13. <https://mf.uz>-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони.

15. Meyliyev, O. PhD. (2019) "THE EFFECT OF TAX PRIVILEGES ON LOCAL BUDGET REVENUES," International Finance and Accounting: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 13. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/13>.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармони.

17. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. <https://lex.uz>

Камалов Айбек Кудобаевич
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик
субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил девони бош инспектори

ХУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА БЕРИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАРИИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Республикада иқтисодиётни рағбатлантириш дастакларининг кенг қўламда амалга оширилишида солиқ имтиёзлари муҳим аҳамиятга эга. Мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичида номарказлаштириш жараёни давомида ҳудудларни ривожлантиришни амалга оширишда, вужудга келаётган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун, бошқа

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ.....	
Тешабаев Т.З. СОЛИҚЛАР – МАМАЛАКАТ РАВНАҚИНИНГ МУҲИМ ДАСТАГИ.....	3
Тошматов Ш.А. ТРАНСФЕРТ НАРХЛАРИНИ БЕЛГИЛАШДА СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	5
Жураев А.С. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИДИР.....	10
Ниязметов И.М. СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ БЎШЛИҚЛАР.....	13
Воронин С.А. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КЛАССИФИКАЦИИ НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ОТЧИСЛЕНИЙ – НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ.....	17
Уразалиев К. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ХИЗМАТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАЪМУРЧИЛИГИ.....	21
1-СЕКЦИЯ. ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	
Тошматов Ш.А., Махматраемов Б.О. ЦИФРОВОЕ НАЛОГОВОЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЕ: ПРЕДВАРИТЕЛЬНЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ.....	25
Алмардонов М.И., Нарзиев Ф. БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	29
Usmanova M.S. RESPUBLIKAMIZDA O'ZINI O'ZI BAND QILGAN SHAXS SIFATIDA FAOLIYATNI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY ASOSLARI.....	32
Sanakulova B.R., Kayumov S.A. ISSUES OF INCOME REGULATION BY THE GOVERNMENT IN THE POVERTY REDUCTION.....	34
Джамалов Х.Н., Абдушерозов А.Б. СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ НАЛОГОВЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ В ТРИЕДИНОЙ КАЧЕСТВЕННОЙ ОПРЕДЕЛЕННОСТИ.....	39
Рахимов Э. ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИДА СОЛИҚ САЛОҲИЯТИ.....	43
Худойқулов С.К., Бабаев Ш.Б. ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ДОХОДОВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ.....	45
Meyliyev O.R., Yandashova P.A. THE ROLE OF FISCAL POLICY IN IMPLEMENTATION OF DEVELOPMENT STRATEGY OF NEW UZBEKISTAN.....	49
Бердиева У.А. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ.....	51
Аманов А.М., Эргашева М.А. СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ФУНКЦИЯСИ САМАРАЛИ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	57
Сабиров. М.Қ. РЕСПУБЛИКАМИЗДА АХОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	61
Шодиев О.А. АКЦИЗНЫЙ НАЛОГ: ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ.....	63
Ubaydullayeva A.N. K. EXPAND SMALL AND MEDIUM-SIZED BUSINESSES THROUGH TAX REFORMS AND TURN THEM INTO LARGE BUSINESSES.....	67
Аширбоев Ё.М. БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРИНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	71
Иброҳимов. Д.М., Зайдуллаев А., РЕСУРС СОЛИҚЛАРИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	74
Ибрагимов Б.Б. СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ.....	77

<i>Usmanova M.S., Xamidov Sh. IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYA QILISHDA DAVLAT BYUDJETINING MOLIVAVIY STRATEGIYASIDA SOLIQLARNING TUTGAN O'RNI VA TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI</i>	79
<i>Usmanova M.S., Bakirova M. TARAQQIYOT STRATEGIYASINI AMALGA OSHIRISHDA BYUDJET-SOLIQ SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI</i>	82
<i>Salomov A., Berdiyeva U. TARAQQIYOT STRATEGIYASINI SAMARALI AMALGA OSHIRISHDA SOLIQ TO'LOVCHILARNING BYUDJET OLDIDAGI QARZDORLIGINI KAMAYTIRISHNING AHAMIYATI</i>	85
<i>Usmanova M., Murtozaeva Z. FISCAL POLICY REFORMS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN</i>	88
<i>Қиёсов Ш.У. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ: ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ</i>	90
<i>Юсупбеков А., Юсупбекова Д. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ</i>	92
<i>Эрназаров Н.Э. АКЦИЗОСТИ ТОВАРЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ АМАЛИЁТИГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВ ХУСУСИДА</i>	95
<i>Ибрагимов Б.Б., Эгамбердиев Ш.К. БЮДЖЕТНО-НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА: ОТ РЕАЛЬНОСТИ К ПЕРСПЕКТИВАМ</i>	97
<i>Джамалов Х.Н., Худойкулов С.Т. ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ МЕТОДИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ</i>	100
<i>Yo'lchiyev A. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TRANSFERT NARXLAR SHAKLLANISHINI TARTIBGA SOLISHNING SOLIQ MEKANIZMI</i>	104
<i>Мейлиев О.Р. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИНГ АҲАМИЯТИ</i>	107
<i>Камалов А.К. ХУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА БЕРИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</i>	115
<i>Сафаров Ф.А. РЕСУРС СОЛИҚЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</i>	121

2-СЕКЦИЯ. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРАЛИ СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

<i>Уразалиев К. ИЗЧИЛ СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ - МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ</i>	126
<i>Усманова М.С. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</i>	130
<i>Джамалов Х.Н., Кенжаев Н.И. ОБОСНОВАНИЕ МЕТОДОВ ПРЕОДОЛЕНИЯ СЛОЖИВШИХСЯ ОГРАНИЧЕНИЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ МЕХАНИЗМА НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН</i>	132
<i>Аманов А.М. ЯНГИ СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ</i>	136
<i>Зарипов Х.Б. НАЛОГОВОЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЕ ПО НАЛОГУ НА ИМУЩЕСТВО</i>	138
<i>Артиков Н. А. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ КРИПТОВАЛЮТАГА ОИД СОЛИҚ МУАММОЛАРИ</i>	141
<i>Юсупов. О.А. СОЛИҚ ОРГАНЛАРИДА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ</i>	146

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ
МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ САМАРАЛИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ:
НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАР
ВА АМАЛИЁТ МУАММОЛАРИ**

Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари

*Муҳаррирлар: Т. Долиев
Компьютерда саҳифаловчи С. Долиев*

Нашр. лиц. АИ № 305. Босишга рухсат 28.04.2022-йилда
берилди.

Бичими 84x108/16. Offset қогози №2. «Times» гарнитураси.

Шартли б.т. 49. Нашр ҳисоб т. 46,2

Адади 5 дона. 18-buyurtma.

“QAMAR MEDIA” нашриёти
Тошкент, Mirobod, Qo‘yliq 4-mavze, 3-uy, 26-xona.

“RELIABLE PRINT” MCHJ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Chorsu maydoni, 3-A uy.